# Уйимизни иссиқроқ қилайлик

UNDP
Uzbekistan




уйдаги иссиқлик энергиянинг йўқолиши

## амалий тавсиялар

30%

ИССИҚЛИК ЙЎҚОЛИШИ

# ДЕРАЗАЛАР

## ЕЛИМЛИ ПОРОЛОН СОВУҚ ЎТКАЗМАЙДИГАН МАТЕРИАЛ (ИСИТКИЧ)

Бу энг арзон усуллардан биридир. Чангдан тозалаб олинган дераза тирқишларини ушбу иситкич билан елимлаб чиқиш зарур.



**Нархи 6 000 сўм**

**Афзаллик томонлари:** елим асос эвазига иситкич бутун қиш давомида хизмат қилади.

1

**Камчиликлари:** намликни ўзига сингдириб олади ва маълум вақтдан сўнг зичлигини йўқотади.

**Харажатларни қопланиш муддати 5 ой**



## РЕЗИНАЛИ ЗИЧЛАГИЧ

Лента дераза тавақасига, аниқроғи ром билан ойна орасидаги тирқишни ёпадиган планкасига узун тахтача елимланади. Ушбу тахтачани олдин чангдан тозалаб олиш лозим.

2

**Нархи 1 200 сўм/метр**

**Афзаллик томонлари:** кўп муддат хизмат қилади, намликни ўзига сингдириб олмайди.

**Камчиликлари:** бошқа зичлагичлардан қимматроқ.

**Харажатларни қопланиш муддати 9 ой**

# 4 ИССИҚЛИКНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИ

# ДЕРАЗАЛАР

## СИЛИКОНЛИ ГЕРМЕТИК

Дераза роми ва ойнаси ўртасидаги тирқишни елимлаш лозим.

**Нархи 20 000 сўм**

3

**Афзаллик томонлари:** зич туради.

**Камчиликлари:** ромлар орасидаги шамолдан сақламайди.

**Харажатларни қопланиш муддати 10 ой**



## ЭСКИ ДЕРАЗАЛАРНИ ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ДЕРАЗАЛАРГА АЛМАШТИРИШ

**Афзаллик томонлари:** яхши товуш изоляцияси, иссиқни яхши сақлаши

**Камчиликлари:** нархи баландлиги

**Нархи 1 кв.м учун 280 000 сўм**



4

**Харажатларни қоплаш муддати 18 йил**

35%
ИССИҚЛИК ЙЎҚОЛИШИ

# ДЕВОРЛАР

## 1 УЙНИНГ ФАСАДИНИ ТАЙЁРЛАШ

Фасадни қоришмалар ва бирикишни пасайтирадиган бошқа ифлосланган нарсалардан тозалаш;

Фасад юзасидаги нуқсонларни суваб ташлаш;

Пойдеворни иситиш учун грунтлаш.





## 2 АСОСГА ПРОФИЛ ЎРНАТИШ

Бирламчи профил дюбел билан, ҳар 30 смга, қўшни бирламчи профиллар ўртасида термик кенгайиш учун 2-3 мм жой қолдирган ҳолда (асосда горизонтал ҳолатда) қотирилади.

# ДЕВОРЛАР

## 3 ПЕНОПЛАСТ ЛИСТИГА ЕЛИМЛИ ТАРКИБНИ СУРТИШ

Одатда пенопласт листига плита периметри бўйича хаво бўшлиқлари юзага келишини олдини оладиган узилишларни қилган ҳолда 3-6 валик елим берилади.



Ҳар доим плиталарнинг горизонтал ва вертикал сиртлардаги монтажи текислигини ватерпас ёки тахта ёрдамида текширинг

## 4 ПЕНОПЛАСТ ПЛИТАЛАРИНИ УЙНИНГ ФАСАДИГА ЕЛИМЛАШ



Елимли таркиб асосга ёпишгандан сўнг плита юзасининг камида 40 фоизини қоплаши керак

Биринчи қатордаги пенопласт плитасига елим плита четидан бирламчи профил баландлиги четлатиб сурилади.

Елимли таркиб пенопласт орасидаги туташувга тушмаслиги лозим.

"Совуқ кўприклари" юзага келишини олдини олиш мақсадида пенопласт плиталари орасидаги тирқишлар монтаж кўпиги билан ёпилади.




**ИССИҚЛИК ЙЎҚОЛИШИ**

# ДЕВОРЛАР

## 5 ПЕНОПЛАСТНИ ДЮБЕЛЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ

Фасадда пластик дюбел учун пармалаб тешик очилади;

Дюбел шундай қоқиладики, унинг қалпоқчаси пенопласт сирти билан бир текис бўлиши лозим;

Пластик дюбелга ўзак киритилади.





## 6 КУЧАЙТИРУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ ЎРНАТИШ

Бинонинг барча ташқи бурчаклари, шунингдек эшик ва деразалар ўрнининг ташқи бурчаклари махсус кучайтирувчи бурчак элементлари билан мустаҳкамланиши лозим.

**9**

**ИССИҚЛИК САҚЛАШ БОСҚИЧЛАРИ**

# ДЕВОРЛАР

7

Дастлаб пенопласт юзасига тишли шпател ёрдамида мустаҳкамловчи қоришма суртилади.

Сўнг бу қоришмага ишқорга чидамли тўр ботирилади.

Мустаҳкамловчи тўрнинг полотнолари пастдан тепага қараб, тахминан 10 см оралиқ билан вертикал тарзда бириктирилади.







8

Фасаднинг юзасига ҳимоя-декоратив қатлам сурилади.

Қатламнинг қалинлиги қопламанинг фактурасини шакллантирувчи тўлдиргич ўлчамидан катта бўлиши керак.

Сўнг қоплама қатлами тўлдиргичнинг ўзаги ўлчамига мос бўлган қалинликка тенглаштирилади.

9

Ҳимоя-декоратив қатламни суртишда ишда танаффусларга йўл қўймаслик керак ва имкон қадар уйнинг бутун фасадига бирданига ишлов бериш лозим.

Бутун фасадга ишлов бериш имкони бўлмаган тақдирда чокларни имкон қадар фасаднинг бостирма элементлари билан тўсиш керак.




**Нархи 1 кв.м учун 100 000 сўм (монтаж ишларини ҳисобга олганда)**

**Харажатларни қопланиш муддати 5-7 йил**

# ТОМ

**15%**
**ИССИҚЛИК ЙЎҚОЛИШИ**

Биринчи навбатда иситкични ташқаридан нам киришидан ва ҳўлланишдан сақлайдиган гидроизоляция қатламини шакллантириш зарур. **1**

Гидроизоляция мембранаси рейка устидан (ташқи томондан) ётқизилади ва контробрешётка брускалари билан қотирилади. **2**

Мембранани солқиб туришига йўл қўйилади, бироқ 100 ммдан кўп эмас.

**3** Иситкич плиталари стропиллар ўртасида тирқиш қолмайдиган қилиб ётқизилади.

## Иситкични ҳимоялаш



Нархи: 1 кв.м учун 50 000 сўм

Харажатларни қоплаш муддати: 6-8 йил

# 7 ИССИҚЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН 7 ҚАДАМ




Агар иситкич 2 қатлам ётқизиладиган бўлса буни шундай амалга ошириш лозимки, иккинчи қатлам биринчисининг чокларини ёпсин. **4**

Иситкич устидан буғ изоляцияси пленкаси ёки уни конденсатнинг тушишидан сақлайдиган мембрана ётқизилади. **5**

Буғ изоляцияси обрешётка брускига степлер ёрдамида маҳкамланади. **6**

Пленканинг туташган жойларига (камида 150 мм оралиқ билан) внахлест ётқизилади ва скотч билан қўшимча маҳкамланади. **7**

# ПОЛ




**ИССИҚЛИК ЙЎҚОЛИШИ**

## ПОЛ ТЎШАМАСИНИ КЎЧИРИБ ОЛИШ

Ишни бошлаш учун мавжуд пол тўшамасини тўлиқ кўчириб олиш лозим. Фақат асоснинг ўзи очиқ ҳолда қолиши керак. Бинонинг турига қараб бу бетон плита ёки бошқа қандайдир тўшама бўлиши мумкин.

Агар пол тўшамаси яхши холатда бўлса уни эҳтиёткорлик билан кўчиринг, уни қайтадан ётқизиш мумкин бўлади. Ишлар тугагандан сўнг эски тўшамани қайтадан тўғри ётқизиш учун унга бўр билан зарур белгиларни қўйинг.

Тўшамни кўчиринг, ахлатларни тозалаб ташланг. Шундан кейин иситиладиган юзани чанг ва ифлос нарсалардан тозаланг.

## ПОЛНИНГ ЮЗАСИНИ ТЕКИСЛАШ

Полнинг юзасининг текислашни тавсия этамиз, бу иситиш бўйича кейинги ишларни анча осонлаштиради.

Қопламнинг тури ва бюджетингиздан келиб чиқиб стяжкадан ташқари бошқа усуллар ҳам қўлланиши мумкин.

## БУҒ ИЗОЛЯЦИЯСИНИ ЎРНАТИШ

Полни текислагандан сўнг бир қатлам буғ изоляцияси материалини ётқизинг.

Мутахассисдан маслаҳат олишни тавсия этамиз. У муайян иситилаётган иморат (хона)нинг хусусиятидан келиб чиқиб оптимал материални тавсия этади.



# 6 ИССИҚЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН 6 та ҚАДАМ

## 4 ЙЎНАЛТИРУВЧИ ТЎСИНЛАР ЛАГЛАРИНИ ЎРНАТИШ

Буғ изоляцияси ётқизилгандан сўнг узун ёғоч тахталарни полга 90 смдан кўп бўлмаган оралиқ билан ўрнатинг, чунки лаглар орасидаги масофа қанча кам бўлса, иситкичга юк шунчалик бир текис тақсимланади.

Масофани бино (хона)нинг умумий майдонини, шунингдек иссиқлик ўтказмайдиган материал сифатида танланган минерал ватали иситкичнинг ўлчамини ҳисобга олган ҳолда танланг.теплоизоляционного материала.

## 5 ИСИТКИЧНИ ЎРНАТИШ

Минерал ватани тирқиш ўлчамига мослаб кесиб олинг ва узун ёғоч тахталар орасига тўшанг.

Иссиқлик изоляцияловчи материалга гидроизоляция материали ётқизилади.

1. бетон плита-қоплама
2. намдан сақлайдиган плёнка
3. узун ёғоч тахталар
4. иситкич
5. тавақа акс эттирувчи томони билан хонанинг ичига қаратиб ётқизилади, материал туташувлари фольгали скотч билан бириктирилади.
6. контрейка тахта пол билан иситкич ўртасида вентиляцияловчи оралиқни таъминлайди ва саморез билан ёғоч тўсинга маҳкамланади.
7. тахтали пол

## 6 ТАЙЁР ПОЛНИ ЁТҚИЗИШ

Иссиқлик изоляцияловчи материал устидан лагга юкни тақсимлайдиган чидамли материал тўшалади. ДВП, ДСП, махсус гипсокартон, фанер ёки оддий тахта ишлатилиши мумкин.

Шундан кейин барча ишларн якунланди деб ҳисобланиши мумкин. Фақат пол тўшамасини ётқизиш ва бинони тартибга келтириш қолади.

**Нархи 1 кв.м учун 130 000 сўм**

**Харажатларни қопланиш муддати: 10 йил**

# ҚЎШИМЧА ТАВСИЯЛАР



## ХОНАНИ САМАРАЛИ ШАМОЛЛАТИНГ

Доим очиқ дераза дарчаси хонани совутади, аммо шамоллатмайди. Агар ойналарни қисқа вақтга катта очиб "бирданига" шамоллатилса бунда хаво алмашишга улгуради, лекин хонани совутиб юбормайди, хонанинг деворлари иссиқлигича қолади.

## ЧЎҒЛАНМА ЛАМПАЛАРНИ ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ЛАМПАЛАРГА АЛМАШТИРИНГ



Самарали светодиод лампалардан фойдаланиш мумкин.

**Ўртача хизмат қилиш муддати:**

оддий лампа - 1 000 соат,
люминесцент - 15 000 соат,
светодиод - 50 000 соат.

**Люминесцент лампанинг нархи 7 000 сўм ва юқори**

**Светодиод лампанинг нархи 12 000 сўм ва юқори**

Харажатларни қоплаш муддати 4-5 ой

**Лампаларни алмаштириш ташвишидан бир неча йилга қутилиш мумкин!**

## ҚУЁШ БАТАРЕЯСИДА ИШЛАЙДИГАН СТОЛ ЛАМПАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ



Лампа фойдаланишга жуда қулай. Уни заряд қилиш учун қуёшли ёки ёруғ жойга қўйиш кифоя.

**6-8 часов** Зарядсиз ишлаш вақти

**Нархи 20 000 сўм**

Харажатларни қопланиш муддати 7-8 ой

## ИССИҚЛИК ҚАЙТАРУВЧИ ЭКРАН ЎРНАТИНГ




Радиатор ортидаги девор (1) 50 градусгача қизиши мумкин. Батарея (3) ортига изолон ёки қурилиш моллари дўконларида сотиладиган оддий алюминий фольгадан қилинган иссиқлик қайтарувчи экран (2) ўрнатинг.

Бу хона хароратини ўртача **2 ГРАДУСГА ОШИРАДИ**

**Нархи 1 кв.м учун 3 000 сўм**

Харажатларни қопланиш муддати 3 ой

## БАТАРЕЯЛАРНИ МЕБЕЛЬ БИЛАН ТЎСИБ ҚЎЙМАНГ

ТЎСИҚЛАР иссиқ хавони хона бўйлаб бир текис тарқалишига халал беради ва радиаторларнинг ИССИҚЛИК АЖРАТИШИНИ **20 ФОИЗГА** КАМАЙТИРАДИ.
Деворлар ва шифтларни бўяш учун очиқ ранглардан фойдаланинг.

Текис оқ девор **80%** нурларни қайтаради ва ёритишга ХАРАЖАТЛАР **10-15 фоизга** ҚИСҚАРАДИ.

# Уйимизни иссиқроқ қиламиз



# ҚЎШИМЧА ТАВСИЯЛАР

## ИШЛАТИЛМАЁТГАН АСБОБЛАРНИ ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИНГ



Ускуналарни "кутиш" режимида қолдирманг - уларни розеткадан узиб қўйинг ёки "пилот" шаклидаги виключателли узайтиргичлардан фойдаланинг (бир тугмани босиш орқали унга уланган барча асбобларни ўчирасиз).

Ишлатилмаётган асбобларни тармоқдан узиб қўйиш электр энергиясига бўлган **ХАРАЖАТЛАРНИ** йилига ўртача

**50 000 сўмга**

**КАМАЙТИРИШГА**

имкон беради.

# СОВУТГИЧНИ ЖОЙЛАШТИРИНГ ТЎҒРИ

Совуткични плита, печ, радиатор ва бошқа ИССИҚЛИК МАНБАЛАРИ ЁНИГА ЖОЙЛАШТИРМАНГ.

Атрофдаги хаво харорати қанча юқори бўлса совуткични ишлаши учун шунча кўп электр энергияси зарур бўлади.

Иссиқ овқат ва ичимликларни совуткичга қўйишдан олдин хона хароратигача совутинг.



Ушбу нашр БМТТД ва Иқтисодиёт вазирлигининг ҳамкорликдаги «Ўзбекистон миллий иқтисодиётини камуглеродлик ривожланишга ўтиш жараёнида қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Қўшимча маълумот бўйича мурожаат қилиш учун:
Ўзбекистон Республикаси
Тошкент ш., 100033,Ўзбекистон шохкўчаси, 45а
Тел.: +998 71 2326382
Факс: +998 71 2326348

E-mail: liliya.zavyalova@undp.org

Нашрда кўлланилган суратлар куйидаги сахифалардан олинган:

http://www.torange.ru/Backgrounds-textures/texture/13806.html

http://www.stroimdom.com.ua/forum/showthread.php?t=86535

http://remontgeeks.ru/remont/silikonovyj-germetik-dlya-naruzhnyx-rabot.html

http://novakrovlya.ru/uteplenie-kryshi/uteplenie-kryshi-svoimi-rukami.html

http://elektroas.ru/energoeffektivnost-i-energosberezhenie-dlya-uchashhixsya-i-ix-roditelej

http://profibrus.ru/uteplenie-fasada-penoplastom-svoimi-rukami.html

Copyright © UNDP [2015]
Барча ҳуқуқлар ҳимояланган
Ўзбекистонда чоп этилган

Ушбу нашр муаллифлари ифодалаган мулоҳазалар БМТ, унинг қуйи ташқилотлари, шу жумладан, БМТТД ва аъзо мамлакатлар расмий позициясидан фарқланиши мумкин.

БМТТД ўзгаришлар тарафдори бўлган ҳамда инсонларга яхшироқ ҳаёт барпо этишда кўмаклашиш мақсадида мамлакатларга билим, тажриба ва ресурслар тақдим этадиган, БМТнинг ривожлантириш соҳасидаги халқаро тармоғидир.

www.uz.undp.org